Огоҳлик

*Донишманд Конфуций: «Беқарорлик замонида умр кечиришни душманимга ҳам раво кўрмайман», деган экан. Айтилганига икки ярим минг йил ўтган бўлса-да, бу фикр бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Буни Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси яққол тасдиқлаб турибди. Унда мамлакатимиз тараққиётининг муҳим устувор йўналишларидан бири юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат экани алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.*

# Сергаклик куч талаб қилади

Инсониятнинг узоқ ва яқин тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳаёти бамисоли дарё каби гоҳ тўлқинланиб, гоҳ тиниб, гоҳ лойқаланиб, ўтмишдан келажак томон оқишини давом эттиради. Бу абадий жараённинг тиниқлиги ва бокиралигини сақлаб қолиш учун башариятнинг асл фарзандлари томонидан қанчадан-қанча ҳаракатлар қилинади. Айниқса, одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш энг буюк инсонлар ҳаётининг маъно-мазмунига айланади. Бу борадаги фаолиятлар ҳамма замонларда яхшилик ва эзгулик тимсоли сифатида баҳоланади ҳамда маънавий комиллик намунаси бўлиб, тарих саҳифаларида мангуга жой олади.

Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз таъкидлагани каби: «Биз яхши тушунамиз — бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас».

Аслида бундай қабиҳ ва нопок ниятли кучлар ўзларининг сароб мақсадлари йўлида ҳаракат қилганлари учун ҳеч қачон Ватаннинг тараққиётини яхши томонга ўзгартира олмайдилар. Улар халқнинг камолини, тарих ва бугунги оламдаги ўрнини белгилаб беролмайдилар. Ва умуман, кўҳна тарих далолат берадики, Ватаннинг камоли ҳеч қачон яшаш осон бўлган жойларда жон сақлаб юрадиганларнинг қўлида бўлмайди. Юртнинг камоли унда яшаб, бошига ғам келса чидаб, жон фидо қилишга тайёр турадиган, элу юрт омонлиги, болаларининг бахтини ҳаёт мезони деб биладиган одамларнинг қўлидадир. Халқнинг камоли ўз йўлининг тўғрилигига ишонадиган собитқадам юрт фарзандларининг, ўзини халқидан, халқини ўзидан айри тасаввур қила олмайдиган ватанпарвар ва халқпарвар инсонларнинг қўлидадир. Қанийди шундайлар кўп бўлса. Қанийди ҳамма ҳам уларга хайрли ва савоб ишларда доимо камарбаста бўлса...

Афсуски кўҳна тарих сароб мақсадлар учун ҳаракат қилганлар жиғилдони ва қорнидан бошқани ўйламаганлигидан халқига фойда келтирмаганларни ҳам кўп марта кўрган.

Бир замонлар қонхўр Чингизга тилмочлик ва элчилик қилган, унинг аскарларига ўз юртини босиб олишнинг осон йўлларини ўргатган Маҳмуд Яловчлар қаердан пайдо бўлган? Темурийлар шажараси осмонидаги энг ёрқин юлдузлардан бири — Мирзо Улуғбек жонига қасд қилган падаркушлар қаердан пайдо бўлган? Ёвқур Спитаменнинг маҳв этилиши, Муқаннанинг фожеали ҳаётида бундайларнинг қўли йўқмиди?

Биз улуғ ўтмишдошларимиз борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо тарихимизда доимо уларга қарши турганлар борлигини негадир баъзида унутиб қўямиз. Қанчадан-қанча Навоийлар умрига эгов бўлганлиги, не-не Мўмин Мирзоларни хазон қилганлигига кўп эътибор беравермаймиз. Хўш, бундайларга нима керак эди? Юртнинг барқарорлиги, элнинг омонлиги, тинчлигими? Ёки ҳеч кимга вафо қилмаган хазиналарми? Бугунчи? Наҳотки уч-тўрт боғлам пулнинг қиймати Ватаннинг қадридан, элнинг назаридан юқори бўлса?

Қизиқ, тарихимизда не сабабдан бот-бот сароб қадриятларни устувор қилиш илинжида юрган олчоқлар пайдо бўладилару, уларнинг қора ниятларига бефарқ қараб қўя қоладиганлар ҳам йўқ эмас? Бундай саволни нега ўзимизга бот-бот бермаймиз? Болшовойлар Бухорони ўққа тутганларида юрт таслимчилари ғанимлар сафида эмасмидилар? Ўзлари туғилиб ўсган диёрга эгалик қилиш илинжида кимлардандир ёрдам сўраганлар қаторида улар йўқмиди? Бизчи? Биз Бухорони тўпга тутган колесовчиларга ерли аҳолидан бир неча ўн киши ёрдам берганлигини рўкач қилиб, мамлакатда оммавий инқилоб бўлган эди, деган эртакларга 70 йил ишониб яшамадикми? «Она юртимиз мустақил бўлди», дея эълон қилинганида баъзиларимизнинг қарсак чалишга ҳам кучимий хотиржамлик ва бепарволикнинг ҳосиласидир. Биз собиқ иттифоқ даврида ўтган ўн йилликларда съездлардан съездларга лоқайд, уйқуда яшашга ўрганиб қолган эдик. Миллат тақдири, Юртнинг тақдири ўзгалар илкида бўлганлигидан умумий апатия ҳолатига кўниккан эдик. Бундай ҳаёт кечириш учун кўп куч талаб қилинмайди. Уйқуда юрак ҳам секин уради, тана ҳам қийналмайди. Бундай алдамчи барқарорлик сароб қадриятларга асосланади, кишини аллалайди, танани ялқовликка, руҳни қулликка ўргатиб қўяди. Минг йил уйқуда яшагандан, қулликдаги тинчликдан кўра бир кунлик уйғоқлик ва сергакмиз етмаганлиги, фикр қуллиги, собиқ марказдан қўрқув қўлларимизни боғлаб қўйганлиги ҳам рост эди-ку.

Кейинроқ юртимиздаги барқарорликдан хотиржам бўлиб қолган, тинчликка осонгина ўрганиб олган, Тошкентдан бор-йўғи юз километр нарида бомбалар портлаб, автоматлар тилга кирганида, «Одамлар, ҳушёр бўлинглар!» деган огоҳликка ундовчи даъват янграганида ҳам ўз ташвишларимиз билан ўралашиб бефарқ юравермадикми? Бугунчи? Бугун «Ҳа, энди 16 февраль, 11 сентябрь ўтдию кетди, бир бўлди—бўлди-да» деб бефарқ бўлиб қолишга ҳаққимиз борми? Ўз мақсадига етиш илинжида юрганлар бизнинг ана шундай бефарқлигимизга, ажабтовур унутувчанлигимизга, қачонлардир қор ёғиб, излар босилишига умид қилаётганлари йўқми? Уларнинг қора ниятларини амалга ошира олмаслиги учун доимо огоҳ бўлишга ўзимизни тўла тайёрлай олдикми?

Бефарқлик, хотиржамлик, лоқайдлик барқарорликдан беқарорликка олиб келадиган жараёнларга имкон қолдирадиган асосий омиллардир. Бундай хусусиятлар устувор бўлган даврларни соғлом барқарорлик деб бўлмайди. Бу — ижтимоий апатия, яъни жамиятнинг ҳар қандай таъсирларга берилиши, оғиб кетиш мумкин бўлган ҳолатидир. Бу — Везувий вулқони отила бошлаганида ҳам ҳақиқий хавф-хатарни сезиш ва ундан сақланиш чорасини кўрмагани туфайли вайрон бўлган Помпейдаги каби ҳалокатли ҳолатдир. Оллоҳ бизни ана шундай кайфиятларга берилишдан асрасин, халқимизни уйғоқликка даъват этаётган, доимо огоҳ бўлишга чақираётган комил инсонларнинг умрини узоқ, фикрини тийран қилаверсин.

Носоғлом барқарорлик бировнинг биров билан иши бўлмай қолган, умумлик афзал эмасми? Аммо сергаклик ва уйғоқлик куч талаб қилади, бедорлик куч талаб қилади, юрт камоли, эл осойишталиги куч сарфлашни заруратга айлантиради. Биз бунга тайёрмизми?

Бу борада Президентимиз таъкидлагани каби: «Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган «Ўз уйингни ўзинг асра!» ва «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак».

Зеро, барқарорлик мутлақ қотиб қолган, ўзгармас ҳолат эмас, балки муайян тизим унсурларининг узлуксиз ўзгаришлар жараёнидаги мослиги, уйғунлиги, умумий йўналишга томон бир текис оқишидир. Ушбу уйғунлик ва бир текисликни долғали замон пўртаналаридан эсон-омон олиб ўтиш, уни тобора мустаҳкамлаш учун доимий ҳаракат, сергаклик ва собитқадамлик даркор. Бу эса ўз-ўзидан бўладиган, автоматик тарзда амалга ошаверадиган жараён эмас. Айниқса, Ўзбекистон каби, нотинч ҳудудлар унча узоқ бўлмаган, собиқ иттифоқдан қолган асоратларни бошидан кечираётган, янгилик куртаклари энди бўй кўрсатаётган мамлакат учун бу катта куч талаб қилиши аниқ. Ушбу оламшумул ва умуммиллий аҳамиятга молик масала ҳар биримизни сергакликка, омилкор ҳаракат қилишга, огоҳликка ундаши шак-шубҳасиз. Ана шундай сергаклик, огоҳлик ва омилкорликкина барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили, келажакнинг пойдевори қўйилаётган даврнинг фаол хизматчиси бўлиш манбаидир.

**Қиёмиддин НАЗАРОВ,**
**ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори.**

# Миллий армия – мустақиллигимиз таянчи

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида амалга оширилса янада самарали бўлади.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбийлар билан ўтказган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" асарининг аҳамияти тўғрисида сўз борди.

Унда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини янада ошириш ва имкониятларини кенгайтириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларни қўллаб-қувватлашини айтди.

**(ЎзА).**

Нодавлат, нотижорат ташкилотларида

*Ишлайман деган одам имконият топаркан. Назира Носированинг саъй-ҳаракатлари бунга мисол. Хотин-қизлар турмушини яхшилаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш орқали ишсизлик муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби бугуннинг энг долзарб масалалар ечимида иштирок этишни ўзига вазифа қилиб қўйган эди. Елиб-югуриб туман хотин-қизлар кўникма маркази жамоатчилик бирлашмасини ташкил этди. Айни пайтда у хотин-қизлар ижтимоий кўникма маркази деб юритилади.*

# ХОЛИС НИЯТ

Марказ учун бино топиш, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, турли касб-ҳунарлар ўргатишга йўналтирилган курсларни ташкил этиш, уларга раҳбарлик қиладиган билимдон, ғайратли аёлларнинг бошини қовуштириш ва бошқа зарур юмушларни ҳал этиш ўзидан ўзи бўлган эмас.

Аввало, марказ фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини таъминлаш кичик ижтимоий тадқиқот ўтказишдан бошланди. Ҳар бир қишлоқ, маҳалладаги қиз-жувонларни ўйлантираётган муаммоларнинг илдизи ўрганилди. Шу мақсадда суҳбатлар, учрашувлар уюштирилди. Турли касб, турли ёшдаги аёлларнинг ўй-ташвишлари, қизиқишлари ҳудудлар бўйича умумлаштирилди. Ишсиз қолганлар сони, қаерларда махсус курслар, маслаҳатхоналар очиш кўзгудай намоён бўлди. Ахир, қалашиб ётган муаммоларни ҳал этиш янгича фикрлаш, янгича ишлашнинг қай даражада шаклланганига боғлиқ-да!

Ҳаётга янгича нигоҳ билан қараш, аниқ хулосалар асосида иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Балоғот ёши муаммоларига бағишланган қизлар клуби, Оила маркази, тиббиёт, руҳшунослик, ҳуқуқшунос маслаҳатхоналари фаолияти тобора жонланиб боряпти. Уларга мурожаат қилаётганлар кўп. Малакали мутахассислар турмушда учрайдиган турли муаммолар юзасидан тегишли маслаҳатлар беришмоқда. Биргина ўтган ой давомида бу маслаҳатхоналарда 50 дан зиёд аёл қабул қилинди. Муҳими, улар ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясалишига эришилди.

Болалар боғчалари, мактаб, лицей, коллежлардаги таълим-тарбия билан боғлиқ жараёнлар ҳам доимий эътиборда.

Марказнинг мадади билан ҳунар ўрганаётганлар тақдири ҳақида кўп гапириш мумкин. Қисқа вақтда тикувчилик, зардўзлик, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш курсларида 200 дан ортиқ ёшлар таҳсил олди. Ҳунарли бўлиш билан бирга миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни замонавийлаштириш ҳақида ҳам кўникмалар ҳосил қилишди.

— Нега энди, энг саодатманд он ҳисобланган никоҳ тўйимизда европача кийинишимиз керак? — дейди ҳунар ўрганган қизлардан бири. — Қизиқ-а, илгари кимдир кийган никоҳ кўйлаги ижарага олинади. Қимматлигини айтмайсизми? Мана ўзимизнинг қўлимиздан чиқаётган келин либослари улардан юз чандон устун. Чиройига тўймайсиз. Куда-андалар, куёвларга ҳам ёққанидан қувонмай бўладими?

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш борасидаги уринишлар самарасини кўрсатиб турган мисоллар анча. Марказнинг аралашуви билан ўнлаб муаммолар ўз ечимини топаяпти. Бибиражаб Ҳамидова, Мавлуда Қосимова, Роза Адизова, Машҳура Каримова сингари жонкуяр фаолларни кўпчилик танишининг боиси ҳам шундан.

— Халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди марказ раҳбари Назира Носирова, — «Каунтерпарт Консорциум» жамғармасининг Америка Қўшма Штатлари халқаро ривожланиш агентлиги кўмагида ўтказилган танловда туманда ишсизлик муаммоларини ҳал этиш йўлларига бағишланган лойиҳамиз билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган эдик. Мазкур лойиҳа негизида ташкил этилган каштачилик ва тикувчилик курсларида 40 нафар хотин-қиз таҳсил олиб, иш билан таъминланди. «Винрок Интернейшнл» жамғармасининг хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича лойиҳаси грантига сазовор бўлдик. Айни кунлардаги фаолиятимиз шу дастур доирасида давом этаяпти.

Айтиш мумкинки, биз ҳикоя қилган Қизилтепа туманидаги ижтимоий марказнинг ибратли ишларидан кўпчилик воқиф, хотин-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари, уддабурон, ҳунарли бўлишлари, маънавий-маърифий дунёқараш, ҳуқуқий саводхонликни оширишларида ушбу нодавлат ташкилотининг ўрни яққол сезилиб турибди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Томорқа — даромад манбаи



*Ерни боқсанг, у сени боқади, дейишади. Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Эргаш Маҳаматовлар оиласи бу гапни амалда исботламоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, улар томорқада йил бўйи мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромадни қўлга киритмоқдалар.*

*— Айни қиш кунларида мўъжазгина иссиқхонамизда помидор ғарқ пишди, — дейди Эргаш ака. — Ҳосилни эса пешма-пеш эл дастурхонига етказиб бераяпмиз.*

**СУРАТДА: хонадон бекаси — Муқаддам опа Маҳаматова ва келини Нигора янги ҳосилни йиғиштириб олишаяпти.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# Фуқаролар манфаати — жамият манфаати

Пойтахтимиздаги Бизнес-марказда АҚШнинг Каунтерпарт Интернешнл нодавлат нотижорат ташкилоти дастури бўйича фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

— Маълумки, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ҳуқуқий жамиятга асос солинмоқда, умуминсоний қадриятлар устуворлиги, ҳақиқий демократия, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг дунёда тан олинган меъёрлари ўз тасдиғини топмоқда, — деди анжуманни очар экан, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, профессор Акмал Саидов.

Фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлашга доир икки йиллик дастурнинг /GASP/ вазифаси фуқароларимизнинг атроф-муҳит, аёл ва оила, ёшлар, ногиронлар, иқтисодий даромад, истеъмолчилар ҳуқуқлари каби ва бошқа масалалар бўйича манфаатларини илгари суриш маданиятини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Дастурни амалга ошириш давомида бу каби муаммолар мавжуд бўлган мамлакатларга ташриф буюриш ва уларнинг мутахассисларининг республикамизга келиши режалаштирилмоқда. Ташриф иштирокчилари улар билан алоқалар ўрнатиб, фуқаролар манфаатларини ошириш борасида амалий тажрибалар алмашиши мумкин.

Шунингдек, мазкур лойиҳани татбиқ этишда Америка ҳуқуқшунослари ассоциацияси, Марказий ва Шарқий-Европа институтлари, Фуқаролар манфаатларини илгари суриш институти ва "Грасрутс-Inc" каби халқаро ташкилотлар ишчи гуруҳлар ҳамда услубиятлар билан ёрдам беради.

Конференцияда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Ҳербст иштирок этди.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ажабо!

*Каттақўрғон шаҳрининг «Вокзал» кўчасидаги 37-уйда яшовчи темирйўлчилар юқори идорага йўллаган шикоятларига ниҳоят жавоб хати олишди. Фақат битта ачинарли томони — уни, озмас-кўпмас, роппа-роса ўн беш ой кутишди. Бироқ эзгу мақсадларига эришолмадилар. Бильакс, «танаси бошқа — дард билмас» тўраларнинг сансалорликларига рўбарў келишди.*

*«Наҳотки?» дейсизми, унда эшитинг.*

# Лоқайдлик

Тармоқ тасарруфидаги ушбу уйда истиқомат қилувчи 24 оила аҳли кейинги пайтларда тоза ичимлик сувга ёлчимай қолади. Бу ҳақда 2001 йилнинг 6 июни ва 23 ноябрида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарларига арзномалар битадилар. Афсуски, мутасаддилар уларнинг илтимосларига ҳадеганда қулоқ тутмайдилар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ёрдам бермайдилар. Жилла қурса, икки энликкина жавоб қайтаришни ҳам ўзларига эп кўрмайдилар.

Ана шундан сўнг тоқати тоқ бўлган арзгўйлар матбуот мададига кўз тикдилар. Бултур август ойи бошида таҳририятимизга хат йўллаб, уни компания раҳбариятига етказишимизни сўрадилар. Биз уларнинг илтимосини адо этдик. Орадан кўп ўтмай компаниянинг «Ўзтемирйўлқурилиш» ассоциацияси раиси У. Аҳмедовдан расмий жавоб олдик. Олдигу ҳайратдан ёқа ушладик. Негаки, унда мазкур ташкилот манзили **«г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, д.. 7»** тарзида ёзилганди. Устига устак, жавоб матни ғализдан-ғализ бўлиб, ғиж-ғиж имловий хатолар ила қоғозга туширилганди. Шундай эса-да, «Начора, бу иллатдан ҳам қутилиб қолармиз», деган ўйда уларга унчалик эътибор бермадик. Асосий диққатни муаммо нечоғли ҳал этилганига қаратдик. Жавобни қайта ўқигач, ҳафсаламиз аввалгидан-да баттарроқ пир бўлди. Гап нимадалигини осонроқ тушуниб олишингиз учун уни айнан ўз ҳолича келтирамиз:

***«...Шикоят хатини тегишли ташкилот рахбарлари билан биргаликда куриб чикилди ва куйидагилар аникланди.***

***1.Ичимлик суви билан бу уйни Каттакургон шахар сувсозлари таъминлар экан ва сув учун хакни хам ахоли Каттакургон сувсозларига тулар экан.***

***2. Ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш максадида,уй олдига насослар урнатилган, лекин бу насослар курилгандан буен, электр двигателлари монтаж ишлари бажарилмаганлиги учун, ишламайди.***

***Шунинг учун ичимлик суви муаммоларини Каттакургон шахар сувсозлари хал килади.***

***3.Газ колонкалари (сув иситкичлари) уй курилиб топширилаетганда, сув иситкичларининг йуклиги сабабли куйилмаган ва курувчилар булар учун харажат пулларини олмаган.***

***Булардан ташкари, шуларни эслатиб утамизки, шу уйда яшовчилар газ ва бошка харажатлар учун 01.10.01 йилга кадар (9 ой учун) 423741 сум тулашлари керак эди, лекин ахолидан тушган пул эса 93677 сумни ташкил этди».***



Кўриб турибсизки, темирйўлчилар боғдан келишса, ассоциация раиси тоғдан келган. Масаланинг ечими ҳақида гап йўқ. Қандай қилиб бўлмасин, масъулиятни бўйнидан соқит қилишга уринган. Энг қизиғи, кекса темирйўлчи Т.Ҳасанов уй соҳиблари номидан таҳририятимизга такроран йўллаган мактубда таъкидланишича, ушбу жавоб ёлғондан иборат бўлган. Сабаби, аввало, тегишли ташкилот раҳбарлари у ерга бориб, шикоятчилар билан учрашмаганлар. Иккинчидан, бу уйни обиҳаёт билан шаҳар сувсозлари таъминламайдилар. Бинобарин, хонадонлар эгалари ичимлик сув ҳақини шу вақтгача уларга тўламаганлар ва ҳозир ҳам тўламайдилар. Бор-йўқ гап шундаки, темирйўл транспортининг сув ўтказгич иншооти узоқлиги туфайли шаҳар сувсозлари уй қувурларини лойиҳа бўйича ўз тизимларига улаш учун розилик беришган. Амалда бу иш рўёбга ошмаган. Учинчидан, жавобдаги «уй олдига насослар ўрнатилган» деган гап рост. Лекин улар гўёки электр двигателлари монтаж қилинмагани учун қурилганидан буён ишламаётгани ҳақидаги маълумот нотўғри. Аслида моторлар алоҳида хонага ўрнатилиб, мунтазам ишлаши йўлга қўйилган. Кейинчалик — электр кабели куйиб қолгач, насослардан бири болалар боғчасига, иккинчиси қозонхонага бериб юборилган.

Хуллас, арзномада тилга олинган далиллар билан раис келтирган важлар бир-бирига тўғри келмади. Биз шуни назарда тутиб, бу сафар масалага қатъий ойдинлик киритишар, деган умидда «Ўзтемирйўлқурилиш» ассоциациясига қайтадан мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ҳаял ўтмай яна ўша **«г. Ташкент, ул.- Т.Шевченко. д..7»**да жойлашган ташкилотдан **«27.12.2002 г.»** санаси қўйиб жўнатилган тубандаги жавоб қўлимизга келиб тегди:

***«Сизнинг 29 ноябрь 2002 йил № 5-4-23 сонли йуллаган хатингизда Т.Хасановнинг 5,10,2002 йилги езган аризини куриб чикиб чора куришни сураган эдингиз.***

***Хакикатдан ҳам Вокзальная кучаси 37 уйда сув танкислиги аникланди. Ушбу уй сув босимини купайтириш Каттакургон шахар Сувоково корхонаси, Самарканд «Фукороиншоаттаъмир» акциядорлик жамияти билан биргаликда урганиб чикиляпти. Бу масала молиявий маблагга келиб такалмокда.***

***Шунинг учун ушбу масала юкорида курсатилган корхоналар билан хамкорликда 2003 йил январ ойининг охиригача хал булиши лозим.***

**Председатель Ассоциации У. С. Ахмедов»**

Алқисса, бугунга келиб «председатель» айтган фурсат ҳам ўтди. Эҳтимол, бу вақт оралиғида мутасаддилар сўзлари устидан чиқишгандир, 37-уй тоза ичимлик сув билан таъминлангандир. Агар шундай бўлса, нур устига нур. Бизни эса бошқа нарса ажаблантиради: мутасаддилар нима учун муаммони ўз вақтида ҳал этмадилар? Нима учун турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўз ишчи-хизматчилари талабини қондиришни 18 ойга чўздилар? Масалага, албатта, газета аралашиши шартмиди? Бунисиям, майли, лекин жавоб хатини тайёрлаганлар «председатель» сўзи ўзбек тилига «раис» деб таржима қилинишини унутиб қўйганликларига нима дейсиз? Ёки бу ташкилотда иш юритиш на у ёқли, на бу ёқли — ўртасарсон қурама тилда олиб бориладими? Тилимизга эътиборсизлик, одамлар тақдирига лоқайдлик бундан ортиқ бўладими?

Албатта, тушунамиз, бирнинг касри ҳеч қачон мингга урмаслиги керак. Айни чоғда, бу борада олма олмадан ранг олишига ҳам зинҳор-базинҳор йўл қўймаслик лозим. Бинобарин, сўнг хулосани «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарлари айтишади, тармоқ ходимлари ўртасида Давлат тилига эътиборни кучайтиришади, деган умиддамиз.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

***Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур Дастур маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан тортиб, унинг моддий базасини юксалтириш, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кекса авлод вакилларига ғамхўрликни кучайтириш каби етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига олган.***

***«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.***

Демократия мактаби



# Бунёдкорлик ўзимизга боғлиқ

*Мен маҳалла оқсоқолиман. Қишлоғимизда сўлим бир гузар барпо қилмоқдамиз, ичимлик сув муаммоларини ҳал этяпмиз, ўтмишдан қолган чала қурилишларни охирига етказиш учун курашяпмиз. Шу туфайли турли жойларда, ҳар хил ёшдаги одамлар орасида бўлишга тўғри келади. Эзгу ишларимизга хайрихоҳ, тўғриликни қўллаб-қувватловчи, олис истиқболни кўра олувчи бағрикенг инсонлар жуда кўп. Уларга умумманфаат йўлида мурожаат қилсангиз бажонидил ёрдам берадилар, ҳеч бўлмаса кўнглингизни кўтаришади, тўғри йўл-йўриқлар кўрсатишади, фойдали маслаҳатларини аяшмайди.*

Бунга қарама-қарши ўлароқ орамизда шундайлар ҳам борки, йўқ бўлсанг беролмайди, бор бўлсанг кўролмайди. Шундайларнинг катта ёшдаги оқсоқоллар орасида учраб туриши эса жуда-жуда ачинарли ва хунук ҳолдир. Мана бир мисол. Қишлоғимиз марказида гузар яратиш жараёнида кетма-кет ҳашарлар уюштирдик. Ҳашарлар чоғида ўзимиз ҳам қўлда белкурак ва кетмон билан ишлар эдик. Уч-тўрт нафар ёши ўтиб қолган кишилар эса шундоққина кўриниб турадиган пастқамликда давра қуриб эл кўзида маишат қилишарди. Аввалига ўзлари уялишар, инсофга келиб қолар деган умидда индамадик. Бу ҳолнинг ҳадеб такрорланавериши менинг бардошимни тугатди. Уларнинг тепасига бордим-да:

— Уят эмасми, томоқларингиз жуда қақраб кетаётган бўлса, уй-уйларингизда ичинглар! — дедим баланд овозда барчага эшиттириб.

Маҳаллаларда тўкис иш олиб бориш, айниқса ободончилик, улкан қурилишларни рўёбга чиқариш осон эмас. Майда-чуйда ишларни ҳашар йўли билан бажариб ташлаш мумкин. Катта бунёдкорликларни-чи? Айтайлик, марказий кўчаларни асфальтлаш, кучли техникалар воситасида кўприкларни таъмирлаш, чала қолган улкан биноларни битказиш сингари ўнлаб масалаларда, албатта, туман раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб борилади, архитектор каби мутахассислар жалб этилади.

— Бунёдкорликни шундай амалга ошириш кераккки, юз йил ўтганда ҳам у одамлар кўзини қувонтириб турсин! — дейди қатъий ишонч билан туман ҳокими Қамрабали Эшонқулов, гузардаги пастқамгина қурилаётган биноларга ишора қилиб. — Бунинг ўрнида махсус лойиҳа асосида қоматдор бинолар тиклаш лозим, токи гузар ҳақиқий замонавий гузар қиёфасини олсин! "Қишлоққа бўлаверади", каби эскича гапларни қўйинглар. Қишлоқлар, маҳаллаларни келгусида шаҳар ва қўрғонлардан қолишмайдиган даражада юксакликка кўтармоғимиз лозим!..

Туман ҳокимининг ибратомуз бу қатъияти ва дадиллиги қишлоқ бунёдкорлари руҳини кўтариб юборди. Архитекторлар тайёрлаб берган махсус лойиҳа асосида қайта бошланган кўркам қурилишлар олдинма-кетин битказиб борилмоқда. Қишлоғимиз марказида сўлим гузар ва машҳур адиб Сирожиддин — Сидқий Хандақлиқий мажмуаси май ойига қадар тўла-тўкис битиши мумкинлигига ҳаммамизда ишонч пайдо бўлди.

Мен узоқ йиллар давомида ўзимча "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили қачон келаркин", деб ўйлаб юрардим. Мана, атрофлича ўйлаб, даъват этилган Обод маҳалла йилига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ҳам албатта бевосита боғлиқдир. Ахир, тоза ҳаво, тиниқ сув, покизалик обод маҳалланинг асосий ва ғоятда муҳим тармоқларидан эмасми?! Хуллас, энди ободончилик, умуман ҳар қандай бошланган савобли ишлар юқоридан тўла-тўкис қўллаб-қувватланади. Бундай жўшқин ҳаракат ва ташаббусларни ҳеч бир сунъий тўсиқ тўхтатиб қололмайди. Зилол сув юзидаги хаслар олиб ташланади.

Бизнинг қишлоғимизда Обод маҳалла йилига оид ишлар тобора гуркираб бормоқда. 2003 йил Хондайликда чиндан ҳам улкан бунёдкорликлар йили бўлади. Қишлоқ гузари теварагидаги дўконлар, дорихона, айланма йўл ва бошқа иншоотлар тўла-тўкис қуриб битказилади.

Ҳа, эзгу ниятли инсонлар кутган ёруғ кунлар келди, орзулар бирин-кетин рўёбга чиқаяпти.

**Асад АСИЛ,**
**"Кўктўнли ота" маҳалла қўмитаси раиси.**

# ЮРТНИ МЕҲР ОБОД ЭТАР

Маҳалламиз ободлиги мамлакатимиз — жонажон Ўзбекистонимиз қиёфасидир. Ўзимиз истиқомат қиладиган масканларнинг кўркам бўлиши эртамизнинг эгалари бўлмиш ўғил-қизларимиз, невара-чевараларимизнинг биздан кўра бойроқ, маънан-руҳан баркамолроқ бўлишига асос бўлади. Ана шуни назарда тутиб, Президентимиз Ислом Каримов: "Инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ" дейди. Бу воситадан самарали фойдаланиш мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини янада оширишга олиб келади. Маҳалламизни обод қилишга сарфлаган бир сўмимиз эртага ўн, юз минг сўм бўлиб қайтади. Чунки обод юртни кўришга, унинг жамолидан баҳра олишга ҳамма интилади — мамлакатимизга хорижлик сайёҳлар дарёдек кела бошлайди. Бундай даражага эришишимиз учун юртимизда ҳар жиҳатдан қулай имкониятлар мавжуд: тошни эксанг дарахт қилиб кўкартириб берадиган унумдор ерларимиз, йил ўн икки ой ажралмайдиган саховатли қуёшимиз, таъми бошқа бирор ўлкада бўлмаган, таърифига тил ожиз сувимиз бор. Худо бериб қўйган бундай бебаҳо неъматларни санаб адоғига етолмаймиз. Афсуски, улардан ҳамиша оқилона фойдалана олмаймиз.

Шуни ҳам айтиш кераккки, маҳаллалар ободонлигига доир тадбирларни амалга оширишда аввало ҳар бир жойнинг табиатини, жойлашган ўрнини, тарихини, бугуни ва эртасини эътиборга олиш, кишиларнинг янада яхшироқ ва ўзига хос тарзда яшаши учун мос шароит яратиш, иккинчидан, шу жойга туризмни олиб киришни пухта ўйлаб иш тутиш зарур.

Ҳар бир маҳалламиз ўзига хос қиёфага эга бўлса, унда аждодлар мероси ва замонавий ҳаёт мужассамлашган ҳолда кўриниб турса, шунинг ўзиёқ хорижликларнинг диққатини жалб этади, ҳайратига сазовор бўлади. Мексикага чет эллик сайёҳлар ҳиндулар истиқомат қиладиган қишлоқларни кўргани боришади. Бу овлоқ қишлоқлар ўтмиш ҳаёт тарзи сақланган ҳолда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳолатга келтирилган. Агар маҳаллаларимиздаги чойхона, гузар, кўчалар маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқилиб, ободонлаштирилса, бунда энг асосийси бетакрорликка эришилса, улар шубҳасиз сайёҳларни ҳайратлантирадиган масканга айланади.

Юртни аввало одамларнинг меҳри обод қилади. Меҳр қалбнинг қуввати, қўлнинг кучини ишга солади. Маҳалламизга дилдан меҳр қўйсак, мамлакатимизга муҳаббатимиз билинади. "Ватан остонадан бошланади" дейишади. Буни ҳар биримиз эшитганмиз. Демак, маҳалламизнинг ҳар бир кўчаси, бекати, чойхонаю дўкони мамлакатимизнинг кичик бир рамзи, белгиси. Ана шу рамз, белгилар қанчалик ўзига хос қиёфа, кўринишга эга бўлса, мамлакатимиз шунчалик кўркам бўлади.

Бетакрорлик ўзига хослик асосида майдонга келади. Маҳаллаларнинг ўзига хослиги эса уларнинг номида, аждодлар меросини сақлаганида, кўчаларидаги дов-дарахтлару бекатлар ва улардаги ўтирғичлару ҳовли-хонадонлардаги дарвозалар шакли, ранги, нақшида намоён бўлади. Демак, маҳаллаларнинг айни жиҳатларига диққат қаратиш ободонлик асоси саналади.

Авваллари бизда "Кўчага ахлат тўкма"деган гап мутлақо ишлатилмаган, тўғрироғи бўлмаган. "Ҳовлинг деворидан ошириб кул тўкма" дейилган. Бу икки ўгит маъносини шарҳламайлик-да, "ахлат" ва "кул" сўзларига эътибор қилайлик. Мана шу икки сўз англатадиган маънонинг ўзиёқ маҳаллаларимизнинг қадимги-ю ҳозирги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли.

Тоза жойда ҳаво тоза бўлади. Тоза ҳаводан нафас олган одамларнинг қонида, юз-кўзида тиниқлик намоён бўлиб туради. Бундай одамларнинг фикрида ҳам, ишида ҳам покизалик кўринади. Шундай экан, ҳар биримизнинг ички-ю ташқи қиёфамиз яшайдиган жойимиз — маҳалламизнинг ҳолатига жуда-жуда боғлиқ.

**Нодир НОРМАТОВ,**
**"SAN'AT" журнали бош муҳаррири,**
**Абдулла УЛУҒОВ,**
**М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети филология факультети доценти.**

# Яхшидан боғ қолади

Улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ҳазратлари «Инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир» деб ёзган эди. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Айитбой Ўрунов қирқ йилга яқин турли лавозимларда ишлади, фидойи меҳнати боис умрнинг нурафшон манзилларини ортда қолдирди, элга қилган яхшиликлари эвазига рўшнолик кўрди, обрў-эътибор топди.

Айитбой оға Тошкент Қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Аграр университетда) ўқиб юрганида профессор Паньков:

— Илмли одам яхши одам, аммо шу илмни амалиёт билан боғлаган мутахассис ундан ҳам аъло бўлади, — деган эди. У устоз ўгитини қулоғига эмас, юрагига жойлаб олди. 1965 йили институтни битириб, қадрдон Тўрткўлига, она қишлоғи «Қирққиз»га қайтиб келгач, боғ барпо этишга киришди. У шу кунгача Қорақалпоғистон жанубида юзга яқин каттакатта боғларнинг яратилишига бош-қош бўлди. Бу борада у устозлари Йўлдош Қурбонов, Қосим Нуримбетов, Абдулла Алимовлардан, академик Маҳмуд Мирзаевдан кўп нарса ўрганди.

Собиқ тоталитар тузум Айитбой оғадан бир эмас, уч бора мажозий «ўч» олган эди. Биринчи бор у ҳали бешикда ётганида Ягода-Ежов-Берия маҳкамаси унинг боболарини қатағонга учратди. Иккинчи марта 1985 йилнинг ёзида «Сиёсий бюро кўрсатмаси»га кўра токзорлар чопиб ташланди. У бирлашма раиси сифатида бунга қўлдан келганча қаршилик қилди. Учинчи бор гдлянчилар уни 43 марта терговга чақиришди. Қирқ учинчи марта ҳам ўзининг тамомила ҳақ эканлигини исботлай олди.

Ҳақиқат неча бора эгилса ҳам синмас экан: буни Айитбой оға тақдирида яққол кўриш мумкин. Истиқлолдан кейин у каби эл фидойилари янада куч-ғайрат билан юрт манфаати йўлида меҳнат қилишга киришдилар. Айитбой оға пенсияга чиққанидан сўнг «Нуроний» жамғармаси Тўрткўл туман бўлимига раис қилиб сайланди.

Келинг, Айитбой оғанинг эзгу ишлари хусусида бирма-бир тўхталиб ўтирмайлик. Фақат битта иши,

**Ташаббус сўнмасин!**

яъни Тўрткўл туманининг ўнта қишлоғида ва туман марказида битта, жами 11 та маҳалла боғи яратиш борасидаги ташаббуси ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. Айитбой оғанинг ташаббуси туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳокимлик қарорига кўра маҳалла боғи ташкил этиш учун «Мискин» ширкат хўжалигидан 3,7, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидан 4,7, «Ғалаба» ширкат хўжалигидан 6,7, А. Дурдиев номидаги ширкат хўжалигидан 6,5, Я. Эломонов номидаги ширкат хўжалигидан 6 гектар, жами 50,7 гектар ер ажратилди.

Маҳалла боғи учун энг катта ер майдони «Уллубоғ» ширкат хўжалиги ҳудудидан ажратилган. Бу бежиз эмас. Негаки «Уллу» сўзи Хоразм ҳамда Жанубий Қорақалпоғистон шевасида «Каттакон» маъносини беради. Хива хонлари XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги Уллубоғ қишлоғида ўзларининг энг файзли боғларидан бирини барпо этишган эди. Айитбой оғанинг ташаббуси билан шу боғ ёнида Маҳалла боғи барпо этиладиган бўлди. Оқсоқол ўн битта боғнинг ҳар бирига ўзига хос тарҳ чиздирди, бу ишга Тўрткўлнинг энг моҳир меъморларини жалб этди. Ҳар бир боққа унумдор, тупроғи шўрланмаган, текисланган, оқар сув учун қулай бўлган ерлар танланди. Қолаверса, 2002 йил кузагида ажратилган майдонларнинг барчасига буғдой экилди. Боғлар учун ажратилган майдонлардан олинадиган ҳосил «Нуроний» жамғармаси эҳтиёжларига, кам таъминланган оилаларга, хайрия тадбирларига сарфланади. Барпо этиладиган маҳалла боғлари қурилишига масъул қилиб ўша қишлоқлардаги бообрў, эл назарига тушган оқсоқоллар белгиланди.

— Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг муҳим бир банди кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ, — дейди Айитбой Ўрунов. — Демак, биз дастур ижросига аллақачон киришиб кетдик. Маҳалла боғларини барпо этишдан мақсад, биринчидан, боғларимиз кўпаяди. Иккинчидан, эл-юртимизда мева сероб бўлади. Ахир, ўзимизнинг асалдан тотли ноз-неъматларимизнинг ўрнини ҳеч қандай ананасу кивилар, денгизорти маҳсулотлари боса олмайди. Қолаверса, маҳалла боғлари экологияга ҳам ижобий таъсир ўтказади. Бу ишимиз Обод маҳалла йилидаги улуғвор ишларга бир томчи бўлиб қўшилса, ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

Худди шундай. Унинг тарбияловчи маскан сифатидаги ўрнини аниқлашдан аввал маҳалланинг аслида қандай феноменал ҳодиса эканлигини тушуниб олиш лозим.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида маҳалла шаҳарнинг бир неча кўчаларини бирлаштирувчи бўлаги, қисми, дейилади. Арабчада эса «маҳалла» жой, ўрин, макон, деганини англатади.

Хўш, ушбу тушунчалар бизнинг маҳалла ҳақидаги ҳозирги тасаввурларимизга мосми? Йўқ, албатта.

Маҳалла муайян тарихий шароитларда асрлар давомида пайдо бўлган, шаклланган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик ҳисобланади. Мазкур бирлик, албатта, кишилар олдида турган иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал этувчи, ижтимоий барқарорликни таъминловчи, фуқароларни алоҳида мақсад ва вазифалар сари етакловчи, уларни уюштирувчи ва тарбияловчи маскан сифатида гавдаланади.

Маҳалла ҳозирги кунда ўзига хос тарбия масканидир. Баъзан кишилар ўз маҳаллалари ҳудудига яқинлашганларида, ўзларига бир қараб олиб, сипо тортадилар. Шунинг ўзидан ҳам англаш мумкинки, маҳалла фуқароларни турли иллат ва хатолардан сақловчи омил ҳисобланади.

Маҳалла — демократиянинг энг дастлабки тажриба ўчоғидир. Дунёнинг бирон-бир давлати ёки миллатида тўй, маърака каби тадбирлар ўзбеклардаги каби бамаслаҳат, аҳилликда, келишув ва муроса йўли билан ўтказилмаса керак. Тўй-маъракалар ўта шахсий ва оилавий тадбирлар ҳисобланади.

Унга аралашув бошқа миллатларда камситиш маъносида тушунилиши мумкин. Бироқ, ўзбекларда «Маслаҳатли тўй тарқамас», деган мақол бор. Бу мақол барчамизни турли каттаю-кичик тадбирларни биргаликда, келишув асосида ўтказишга масъуллигимизни эслатиб туради. Дунёда XXI асрнинг маданият тараққиёти асри деб эълон қилинишининг моҳиятида ҳам фуқароларда ҳудудий бирликнинг кучайиши ётибди, десак хато бўлмайди.

Энди бошқа бир масала тўғрисида. Ўзбекистон фуқаролари конституциявий асосда ва сиёсий жиҳатдан озод, эркин фуқаролар ҳисобланади. Уларни ҳеч ким маҳалла томонидан тан олинган тартиб-қоидаларни бажаришга мажбур этмайди. Наҳорда ташкил этилган ошга, жанозага, ҳашарга, турли-туман тадбирларга чиқмаслигимизни ҳеч ким ман эта олмайди.

Лекин, биз барчамиз маънавий жиҳатдан маҳалла олдида масъул эканлигимизни эсдан чиқармаймиз. Маҳаллага муҳтожлигимиз — бизнинг маънавий масъуллигимиздир.

Айни пайтда, ўзбекларда ўз маҳалласининг нуфузини оширишдан манфаатдорлик ҳисси жуда кучли. Биз барчамиз ўз маҳалламиздан фахрланамиз.

**Абдухалил МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**



Фотоайбнома

# Кўзни юмиб ўтиб бўлмас...

Озодалик, саранжом-саришталик ҳамиша хонадонимизга файз келтиради. Бундан ташқари, соғ-саломат бўлишимизда ҳам унинг аҳамияти катта. Бироқ, бунга ҳамма ҳам амал қиляптими?

Каттақўрғон Самарқанд вилоятининг энг йирик шаҳри ҳисобланади. Шундай бўлса-да, кейинги пайтда бу ерда маҳаллалар озодалиги эътибордан четда қолаётганга ўхшайди. Шаҳарнинг Усмон Юсупов кўчасидаги Қориобод маҳалласидан олинган ушбу суратлар фикримиз исботидир. Анчадан буён ахлатлар уюлиб ётган бу «маскан» серқатнов жой бўлиб, унинг ёнгинасида ётоқхона ҳам жойлашган. Ачинарли томони шундаки, ушбу нохуш кўриниш ҳеч кимнинг ғашига тегмаяпти. Наҳот, бу ердаги раҳбарлар, аҳоли обод маҳалла деганда шундай аҳволни тушунишса?!

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



**Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.**

# Чемпионлар маскани



## Муқаддима

Жисмоний тарбия билан шуғулланувчи кишиларга ҳеч эътибор берганмисиз? Уларнинг юриш-туриши ўзига хос — келишган, қадди-қоматлари хушбичим бўлади. Бундай кишилар бора-бора ҳар томонлама мукаммалликка эришадилар. Бир сўз билан айтганда, жисмоний тарбия ҳеч қачон зиён келтирмайди. Шунинг учун ҳам юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор дастур ва режалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармоннинг эълон қилиниши ва мазкур ҳужжат асосида Вазирлар Маҳкамаси Қарори қабул қилинганлигининг ўзиёқ юртимизда спортга бўлган муносабатни яққол кўрсатади.

Мазкур ҳужжатнинг аҳамиятли томони шундаки, гап фақат спорт юлдузлари билан фахрланиш ҳақида эмас, балки бутун миллатнинг, авлоднинг соғлом камол топиши ҳақида кетяпти.

## Муносабат

Айни пайтда жойларда спорт майдонларини қуриш, борларини бугуннинг талабига жавоб берадиган даражада таъмирлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Кези келганда таъкидлаш жоиз, юртимизнинг кўпгина туманларида спорт мактаблари бор. Уларда юзлаб йигит-қизлар спорт билан мунтазам машғул бўлишади. Бунга мисол қилиб Тайлоқ туманида жойлашган Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежини айтиш мумкин. Мамлакатимизда ўз ўрнига эга бўлган мазкур таълим муассасасида спортнинг 7 тури бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўтган йиллар мобайнида 6 кишининг халқаро тоифадаги спорт устаси, 109 кишининг спорт устаси даражасига етгани ва яна 360 спортчининг спорт усталигига номзод ҳамда 450 дан ортиқ биринчи разрядли спортчи бўлгани ҳам коллежда бугунги кун талаблари қай даражада ҳис этилаётганидан далолат беради.

## Фахр

— Айни дамда 16 нафар талабамиз республика терма жамоасининг аъзоси, 40 нафарининг эса терма жамоа аъзолигига номзод эканлиги бизни беҳад қувонтиради, — дейди коллеж директорининг жисмоний тарбия ишлари бўйича ўринбосари Алексей Семенютин. — Шогирдларимиз республикамиздагина эмас, жаҳон миқёсидаги кўплаб халқаро мусобақаларда ватанимиз шарафини ҳимоя қиляпти. Масалан, 1996 йилда АҚШда ўтказилган олимпиадада байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўлимининг 6 нафар битирувчиси иштирок этди. Сидней олимпиадасида талабаларимиздан Антон Ряхов спортнинг шу тури бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 2001 йилда у жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди. Орадан кўп ўтмай Антон Ряхов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" унвонига сазовор бўлди. Албатта, бунга осонлик билан эришганимиз йўқ. Даргоҳимизга малакали, тажрибали ўқитувчиларни тўплаганмиз. Ҳозирги шароит ҳар бир соҳа кишисидан фидойиликни талаб этади. Бизда ана шундай — ўз соҳасининг усталари, фидойилари кўплаб топилади. Уларнинг талабаларимиз билан машғулот ўтказишини бир кўрсангиз, мен сизнинг хулосангизни кўзингизга қараб билиб оламан...

## Шароит қулай бўлса...

Ўқитувчининг гапларига шубҳа билдирмасак-да, қизиқиш устунлик қилиб ичкарига кирдик. Дарҳақиқат, мақтанса арзигулик шароит бор. Кийим алмаштириш хонасидаги орасталик, спорт анжомларининг жой-жойидалиги, машғулот гиламларининг топ-тозалигини кўриб бу ерда спорчиларнинг тозаликка, ички тартиб—интизом қоидаларига қай тарзда муносабатда бўлишларига амин бўлдик. Кейин залга ўтиб машғулот жараёни билан танишдик. Бир нечта ўқитувчи билан гаплашдик. Улар орасида кексароқ киши билан танишдик. У махсус фанлар ўқитувчиси, енгил атлетика бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони Алишер Ҳамзаев бўлиб, ёши 60 дан ошган экан. Бутун фаолиятини мазкур коллеж билан боғлаган Алишер ака мустақиллик туфайли спортимиз ривожига кенг йўл очилгани-ю, республикамизда болалар спортига кўрсатилаётган эътибордан хурсандлигини яширолмайди.

— Бугунги болаларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди, — дейди домла биз билан суҳбатда.— Қаранг-а, уларнинг эртанги куни учун қайғуриш давлат сиёсати даражасига чиқди—я! Эҳ, қанийди ёш бўлиб қолсам-у, қайтадан спорт билан шуғуллансам, улкан муваффақиятларни қўлга киритсам. Дарвоқе, менинг нолишга ҳақим йўқ. Чунки, минглаб спорчиларимиз бизга армон бўлиб қолган чўққиларни забт этаётир. Улар қанчалик кўп ютуқларга эришса, биз шунчалик мамнунмиз.

Кекса педагогнинг қувончи бежиз эмас. Бугун жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғининг баланд кўтарилишига сабабчи бўлаётган коллеж талабалари қанчадан-қанча. Самбо бўлими талабаси Шавкат Жўраев 2002 йилда Панамада ўтказилган жаҳон чемпионатидан олтин медаль билан қайтди. Икки йил аввал эса у шундай нуфузли мусобақада иккинчи ўрин билан кифояланганди. Ҳукуматимиз томонидан тайлоқлик жаҳон чемпиони муносиб тақдирланди. Унинг кўксини "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони безади. Самбочи қизлардан Мадина Шамсиева ва Шамсинур Бербер Осиё чемпионатида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Эркин кураш бўлимидагилар ҳам самбочилардан қолишмайди. Биргина Дилшод Мансуровни олайлик. У ўсмирлар ўртасида биринчи бор ўтказилган жаҳон ўйинлари ғолиби. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. Демак, қўш олтин медаль соҳиби.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўлимида эришилаётган натижаларга эътибор берайлик. 7 спортчи олимпиада иштирокчиси, 3 та жаҳон чемпионати совриндори, 3 та Осиё ўйинлари ғолиби, 10 та Осиё биринчилиги ғолиблари шу бўлимдан. Рафаэль Исломов, Акрам Жўрабоев, Антон Ряхов, Виктор Шоисломов каби спортчиларга барчанинг ҳаваси келади.

Футбол бўлимида аниқ мақсадларга қаратилган ишлар амалга оширилаяпти. Айни пайтда 30 дан ортиқ битирувчилар республикамизнинг олий ва биринчи табақадаги жамоаларида тўп сурмоқдалар. Жумладан, Марат Ахмеров ва Анвар Бердиев миллий терма жамоа аъзоси. Талабалардан тўрт нафари эса республика ёшлар терма жамоасига таклиф этилди.

Академик эшкак эшиш, миллий кураш, сув полоси, турон миллий якка кураши бўлимлари талабалари ҳам халқаро мусобақаларда қувончли натижаларга эришилаяпти. Жумладан, академик эшкак эшиш бўлимининг 5 нафар спортчиси Осиё биринчилиги ғолиблари, 2 нафари Осиё кубоги совриндорлари. Миллий курашчи Фурқат Маматов Россияда ўтказилган жаҳон биринчилиги ва Исроилда ташкил этилган халқаро турнирда мутлоқ ғолиб бўлди. Сув полоси бўлимида таълим олаётган талабалар Таиландда бўлган Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси таркибида кумуш медаль совриндорлари бўлишди.

## Хотима

Туман ҳудудидаги вояга етмаган ёшларни турли спорт секцияларига жалб этиш билан болалар спортини ривожлантириш йўллари изланаяпти. Айни пайтда Турон, Миллий кураш, самбо, эркин кураш, футбол, каратэ бўйича секциялар ишлаб турибди. Уларда 300 дан ортиқ мактаб ўқувчилари шуғулланишаяпти. Яна бир эътиборли томони ўтган ўқув йилида ана шу ўқувчилардан 80 нафарининг талабаликка қабул қилингани бўлди.

Асосий мақсад ўсиб келаётган авлодни спорт машғулотларига ёппасига жалб этиш орқали халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**



СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.



# Спортни севган болалар

Бола бошдан, ақл ёшдан, деган гап бор. Ўсиб келаётган авлоднинг қандай одам бўлиб етишиши унинг бугунги тарбиясига боғлиқ. Зеро, ҳамма нарса аввалида қандай шаклланса, келгусида ҳам шундай ҳолат давом этади. Шу маънода айтадиган бўлсак, юртимизда келажагимиз ворислари — болажонларнинг эртасини ўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди. Уларга яратилаётган ҳар томонлама қулай шароитни унутмаган ҳолда, ҳукуматимизнинг биргина болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган эътиборини айтадиган бўлсак, буюк келажагимизга қай тариқа пойдевор қўйилаётганини ҳис қилиш қийин эмас. Мақсад тайин, вазифа аниқ. Энди ҳамма гап амалиётда.

*Кейинги пайтларда мамлакатимизнинг бир қатор нашрларида янги кашф қилинган "Бекбол" ўйини ҳақида маълумотлар берилди. Ушбу спорт тури тўғрисида батафсил маълумот олиш учун, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўзга кўринган мутахассис Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори муовини Эдем Азизович Сейтхалиловга мурожаат қилдик.*

# БЕКБОЛ — зийраклар ўйини

— Ушбу ўйин ЎзДавЖТИ спорт ва миллий ўйинлари кафедрасида ишлаб чиқилган, — дейди домла мулоқот аввалида. — "Бекбол"нинг муаллифлари Ҳабибулла Исматуллаев ва унинг ўғли Фаррухдир.

Бекбол — спорт ўйинлари, миллий ва ҳаракатли ўйинлар ҳамда спортнинг якка кураш турларини кузатиш, таҳлил қилиш, узоқ ижодий изланишлар маҳсулидир.

**— Эдем ака, айтингчи, бошқа спорт турлари ва бекболнинг дунёга келиши билан қандайдир ўхшаш жойлари борми?**

— Жаҳон спорти тарихига назар ташласак, японларнинг каратэси кўп тўсиқларни мардонавор енгиб, аввало Япониянинг барча ҳудудига кейинчалик эса бошқа мамлакатларга ёйилди. У 1980 йилдан эса Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.

Энди "Бекбол"нинг дунёга келиши билан баъзи спорт турларининг пайдо бўлишидаги ўхшашликка келсак, самбо, кикбоксинглар "йиғма", "терма" спорт турлари қаторига киради. Бекбол ҳам худди шундай, яъни уни спорт ўйинларининг ўзига хос "уч кураши" деб аташ мумкин.

**— "Бекбол" ўйинининг моҳияти нимадан иборат?**

— Аввал шуни қайд қилиш керакки, Бекбол ёш авлоднинг соғлом ўсишига, қатъиятли бўлишларига ёрдам беради. Сабрли, чидамли бўлишга, ўзини ўзи бошқариш ва энг муҳими топқирликка ўргатади.

Бекбол ўйинида икки жамоа ўзаро куч синашади.Ҳар бир жамоанинг бештадан ўйинчиси бўлиб, шулардан бири "зийрак" (жамоа сардори) деб номланади. Унинг эгнида футболчилар спорт кийими бўлади. Қолган иштирокчилар эса худди баскетболчилардек кийинишади."Зийрак"нинг асосий вазифаси



шунда-ки, у тўп билан бўлганида хоҳлаган пайтда ва майдоннинг исталган жойида ўйналаётган ўйин туридан бошқасига ўзгартириб юборишдир (рақиб майдончасидан ташқарида). Бошқа иштирокчилар эса, қоида бузилганида, дарвоза ёки халқа ишғол этилганида, тўпни ўйинга киритаётган вақтдагина ўйин турини ўзгартириш ҳуқуқига эгадирлар.

**— Жамоалар ўртасидаги баҳснинг натижаси қандай аниқланади?**

— Беллашув уч бўлимдан (ҳар бир бўлим 20 дақиқа) иборат бўлиб, икки бўлимни ютган жамоа учрашув ғолиби ҳисобланади. Ўйин тугаганда, рақиб ҳалқаларига ва дарвозасига киритган очколар бир хил бўлиши шарт. Қайси бир жамоа биринчи бўлиб дастлабки бўлимда жуфт 9+9=18 очкони йиғса ўша муваффақият қозонади.

**— Қоидаларидан кўриниб турибдики, "бекбол"ни ўзлаштириш бошқа спорт турларига нисбатан мураккаброқ экан?..**

— Бир кўринишда бу ўйин мураккабга ўхшайди, лекин шу билан бирга оддийлик ҳам мужассам. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ўйинда оддийлик билан мураккаблик бир бутун яхлитликни келтириб чиқарган.

**— Бекболнинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?**

Янги спорт тури мактаб, лицей, коллежларнинг ўқув дастурига киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу ўйин билан шуғулланиш учун барча ўқув муассасаларида шарт-шароит мавжуд. Баскетбол майдончасида бемалол мусобақалар ўтказса бўлади. Шунингдек, бекбол "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақалари дастуридан ўрин олса, ўйлайманки, бу ўйин тез орада оммалашиб кетади.

**Дилмурод ПАРПИЕВ суҳбатлашди.**

# ҚИШЛОҚДА ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР

## шаҳарда чемпион бўладими?

Пахтаободда рақибига ён бермайдиган чемпионлар талайгина. 2-спорт мактабининг тарбияланувчиси Жўра Мелибоев иқтидорли боксчи сифатида танилган. Ёки 1-спорт мактабининг Алиёр Алижонов, Носир Холиқов, Омон Маматқулов сингари ўқувчиларини олиб кўрайлик. Улар спорт усталари Обиджон Тожибоев, Мадаминжон Салаевлардан белбоғли кураш сирларини ўргандилар. Турли миқёсдаги мусобақаларда кетма-кет ғалаба қозонмоқдалар. Ва ниҳоят улар республика чемпионатида ғолибликни эгалладилар. Бу ёшларга Андижон Давлат университетига тест синовларисиз ўқишга кириш имтиёзини берди.

Андижон шахматини Каримовлар сулоласисиз тасаввур этиш қийин. Оиланинг кенжа вакили Иброҳимжоннинг кўзга кўринган шахматчилар билан дадил дона суриши ва ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши яна бир спорт юлдузи етишиб келаётганидан дарақдир. Умуман олганда, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юлдузлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Иқтидорлиларни аниқлаш, уларнинг бошини силаш, спорт оламига олиб кириш мураббийдан бағрикенглик, ирода ва матонат талаб этади. Ота-онадан-чи? Болам безавол униб-ўссин, камол топсин, деган одам фарзандига ғамхўрлик кўрсатади. Зотан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлашдек вазифани, масъулиятни ўз зиммасига олган ташкилотлар, мутасаддилар, масъуллар устоз ва шогирдларга барча шарт-шароитларни яратиб беришлари муҳимлиги ўтган ҳафта Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши мажлисида ҳам таъкидланди.

Бу борада туманда дастлабки умидбахш қадамлар ташланганини эътироф этамиз. Кейинги пайтларда бор-йўқлиги унутилган марказий стадионга яна жон кирди. Спорт фидойиси Фурқатбек Носировнинг ҳокимлик маъмурий биносининг кичик залини каратэ клубига айлантириш борасидаги таклифи маъқулланди. Ҳозир бу жой ўсмирларнинг севимли масканига айланган. 300 нафарга яқин ўғил-қиз машғулотларни орзиқиб кутади. Беллашувлар давомида спортнинг бу гўзал турининг янги-янги қирралари, беқиёс имкониятлари кашф этилди. Ёш спортчилар ўртасида туман, вилоят миқёсидаги беллашувларнинг ғолиблари бўй кўрсата бошлаганлиги, айниқса, қувончлидир.

Болалар спортини ривожлантириш ҳақида гап кетар экан, беихтиёр, Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг клубида фаолият кўрсата бошлаган соғломлаштириш мажмуи кўз олдимизга келади. Ўз умрини спорт билан боғлаган Тўланбой Болтабоев дарслан кейин нима қиларини билмай кўчада юрган 200 нафардан ортиқ ёшялангни атрофига тўплади. Уларни кик-боксинг машғулотларига жалб қилди. Иқтидорли болаларни саралаб, маҳалла, туман биринчиликларини ўтказди.

Биз Пахтаободнинг қатор қишлоқлари, мактабларида бўлиб кўп жойларда жисмоний тарбия ва спортга панжа орасидан қаралаётганлигидан афсусландик. Назаримизда, хўжалик раҳбарлари нуқул ғалла ва пахта режасини ўйлаб, спортни унутиб юборишгандай. Фикримиз далилсиз бўлмасин. Мавжуд 13 та ширкат хўжалигининг биронтасида замонавий спорт мажмуи йўқ. Саккиз хўжаликдаги футбол майдони талабга мутлақо жавоб бермайди. Бешта сузиш ҳавзаси сонда бору саноқда йўқ. Беш йил муқаддам туман ҳокимининг ҳар бир хўжаликда футбол майдони ташкил этиш учун бир гектардан ер ажратиш ҳақидаги қарори 8 та жамоадагина бажарилган.

Хўш, жисмоний тарбия ва спорт борасидаги асосий юк зиммасида бўлган мактабларда аҳвол қандай? Очиғини айтиб қўяқолайлик, ишлар кўнгилдагидек эмас. 44 та мактабнинг 32 тасида футбол, 21 тасида қўл тўпи, 16 тасида мерганлик, 9 тасида мини футбол майдони мавжуд. Бироқ улар тўлақонли фаолият кўрсатмаётир. Мактаблар спорт залларининг деярли барчаси таъмирталаб. 85 фоизининг томидан чакка ўтади, 35 фоизининг поли янгиланишга муҳтож. 4, 15, 39, 35-мактабларнинг спорт заллари аллақачон яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Мактабларни малакали мутахассислар билан таъминлаш оғриқли нуқталардан саналади. 25 та мактабда жисмоний тарбия ва спорт муаллими, мураббий етишмайди. Минг нафардан зиёд ўқувчиси бор бўлган 4-мактабда бор-йўғи биттагина муаллим бор. 7,-12-мактабларда мана, бир неча йилдирки, жисмоний тарбия ўқитувчиси йўқ. Пахтаободлик ёшлар, айниқса, қизлар спортнинг енгил атлетика, бадиий гимнастика сингари турлари бўйича машғулотлар ўтказилишини орзу қиладилар, холос. Яна афсусланарли жиҳати шундаки, мавжуд спорт майдонлари, залларни анжомлар билан таъминлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётир. Кейинги пайтда спорт анжомлари сотиб олиш учун арзирли маблағ ажратилмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бу ерга оддий тўпдан тортиб шахмат-шашка қутиси-ю донасигача четдан келтирилади. Темирдан бошлаб ёғочгача заргарона сайқал бераётган, ранг-баранг буюмлари аллақачон нозик дидли хорижликларни мафтун этган ҳунармандларимиз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг камоли йўлида спорт анжомлари ишлаб чиқариш ва уларни арзон нархларда етказиб бериш ҳақида бир ўйлаб кўрсалар нур устига аъло нур бўларди.

Шаҳарлардаги ва туман марказларидаги айрим мактаб ўқувчиларини мустасно этганда, қишлоқлардаги мактаб болаларининг спорт кийимларига ҳам эътибор қаратиш пайти келди. Тўғри, бозорларда "Adidas" тамғаси ёпиштирилиб ташланган кийим-кечаклар, пойабзаллар тўлиб-тошиб ётибди. Аллақандай сунъий толалардан тўқилган сифатсиз, бунинг устига нархи ўта қиммат бўлган шундай матоҳлардан зада бўлганимиз бор гап. Шундай экан, кийишга қулай, машқлар давомида пайдо бўладиган маржон-маржон терни ўзига тез сингдирадиган, арзон кийим-кечакларни қачон ишлаб чиқарамиз? Узоққа бормайлик, Пахтаободдаги мактабларнинг 34 тасида бичув-тикув тўгараклари мавжуд экан. 12 тасида пулли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, ёшларга малакали чеварлар устозлик қилмоқдалар. Болаларимизга спорт кийимларини ана ўша жойларда тикиш йўлга қўйилса, бизнингча, уч карра ютган бўламиз. Биринчидан, ҳар бир бола ўз бичимига яраша кийим кийиш имконига эга бўлади. Иккинчидан, ўқувчи-чеварларнинг касб маҳорати ортади. Биз бу ўринда мактаб ҳисоб рақамига ҳам унча-мунча маблағ тушишини айтмадик...

Болалар спортини ривожлантириш борасида янги қалам ташланди. Бу масала ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди. Эзгу мақсадларни кўзлаган катта ҳаракат бошланди. Бу борада шошма-шошарлик билан енгил-елпи, палапартиш иш юритиб бўлмайди. Энди ўғил-қизларимиз қишлоқда туғилиб, спорт соҳасидаги маҳоратларини шаҳарлар ёки туман марказларидаги спорт-соғломлаштириш мажмуаларида, залларда эмас, балки ўз маҳалласи, мактаби, қишлоғида ошириш имконига эга бўладилар. Ана шунда ҳар бир оилага нур ёғилгандай бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

14 февраль – Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

# Эйжи Мано: «БОБУРНОМА» МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

*Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва бой илмий-ижодий мероси неча асрлардирки, дунёдаги кўплаб олимлар эътиборини ўзига тортиб келади. Бу улкан қизиқишнинг тасдиғини жаҳондаги йирик шарқшунослик марказларида бобуршунослик махсус соҳа сифатида изчил ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин.*

*Япониялик машҳур шарқшунос олим, профессор Эйжи Мано бутун ҳаётини ана шу мавзуни ўрганишга бағишлаган фидойи инсондир. У қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида Бобур ва бобурийлар ҳақида чуқур илмий тадқиқотлар яратди. Мазкур тадқиқотлар самараси сифатида Эйжи Мано қаламига мансуб тўрт жилддан иборат илмий асарлар тўплами 1995-2001 йилларда Киота шаҳрида нашр этилди. Бу асарларнинг қисқача мундарижаси қуйидагича:*

*Биринчи жилд — араб имлосидаги "Бобурнома"нинг танқидий матни нашри;*

*Иккинчи жилд — "Бобурнома" матнида ишлатилган барча туркий сўзларнинг алфавит тарзида жойлаштирилган кўрсаткичларининг муфассал изоҳи;*

*Учинчи жилд — "Бобурнома"нинг япон тилига қилинган аннотатив (қисқача мазмуни) таржимаси;*

*Тўртинчи жилд — муаллифнинг "Бобур ва унинг даври" монографияси.*

*Агар дастлабки уч жилд бевосита "Бобурнома" ҳақидаги филологик изланишлар маҳсули бўлса, тўртинчи жилдда Бобур яшаган XV-XVI асрларда Марказий Осиёда юз берган турли воқеалар тарих ва филология нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.*

*"Бобур ва унинг даври" асари тўрт қисмдан ташкил топган: биринчи қисми Бобур ва "Бобурнома" асари ҳақида; иккинчи қисм бобурийлар ва "Тарихи Рашидий" асари ҳақида; учинчи қисм Темур ва темурийлар тарихи ҳақида; тўртинчи қисми эса қўшимчалардан иборат.*

*Бундан ташқари, ушбу асарда аввалги уч жилдда ўз ечимини топмаган ҳамда уларнинг кириш ва изоҳ қисмларида мавжуд бўлган баҳсли масалалар қайта ишланган, баъзилари эса кенгайтирилган ҳолда чоп этилган.*

*Юртимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда заҳматкаш олим Эйжи Манодан шу қутлуғ сана муносабати билан махсус ёзилган "Бобурнома" менинг тақдиримда" номли ушбу мақола олинди. Биз мақолани инглиз тилидан таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда ташаббускор бўлиб, уни таҳририятимизга тақдим этган Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси Зокиржон Машрабовга миннатдорчилик билдирамиз.*

*Қуйида япон олимининг мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.*



Мен "Бобурнома"нинг В.Эрскин томонидан инглиз тилига қилинган таржимасини дастлаб Киото Университетидаги талабалик давримда ўқиб, ниҳоятда қизиқиб қолган эдим. Бу буюк ва гўзал, қомусий асар ҳар қандай кишини ҳам ўзига ром қилиши шубҳасиздир. Шу тариқа менда эски ўзбек тилида битилган бу китобнинг асл матни билан танишишга кучли иштиёқ пайдо бўлди. "Бобурнома"ни аслиятда ўқиш учун араб, форс ва туркий тилларни ўрганиб, уларнинг нафосатидан баҳраманд бўлиш бахти ҳам менга насиб этди. Чунки мавзуга алоқадор асосий манбалар мана шу тилларда эди.

Талабалик йилларим мен учун «Бобурнома» қўлёзмасининг Ҳайдаробод нусхасини, А.С.Бевериж томонидан тайёрланган танқидий матнини ўрганиш нуқтаи назаридан энг қулай ва самарали давр бўлган эди, дейишим мумкин.

Бу борада менинг яқин маслаҳатчим, суҳбатдошим Акира Ханеда эди. Очиғини айтганда, бу осон иш эмас эди.

Мен 1969-1972 йиллар давомида бир қатор хорижий мамлакатларда таҳсил ва илмий сафарларда бўлдим. Жумладан, АҚШнинг Ҳарвард университетида профессорлар Омилжан Притсак ва Ричард Фрай қўлида таҳсил кўрдим. Туркий ва форс тилларини ўрганишимда бу олимларнинг катта ҳиссалари бор.

Профессор Притсак билан «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод қўлёзмасини биргаликда ўқиб-ўрганганмиз. Қўлёзма жуда ноёб эди. Биз уни қисмларга, бўлакларга бўлиб ўрганар эдик. Тадқиқотчи учун бу жуда фойдали машғулот эди.

1972 йили мен Японияга қайтиб, Киото университетининг Ғарбий Осиё тарихи илмий жамиятининг мухбир аъзоси бўлдим. 1977 йили «Бобурнома»даги айрим парчаларни япон тилига таржима қилиб, нашр этишга эришдим. Айниқса, китобдаги Самарқанд тарихи ва унинг тасвири мени ўзига тортарди. Ва кейинчалик темурийлар тарихини ёритишда асардаги шу маълумотлар менга катта фойда берди.

1983 йили «Бобурнома»нинг Фарғона қисмини биринчи бор тўлиқ ҳолда япон тилида чоп қилдим. 1984 йили эса Қобул қисмини нашр эттирдим. Таржима жараёнида асарнинг Ҳайдаробод қўлёзмаси ва И.Ильминский томонидан тайёрланган Қозон нашридан фойдаландим.

Мен 1986 йили Киото университетида фан доктори илмий даражасини ҳимоя қилиб, Ғарбий Осиё тарихи бўйича профессор унвонига сазовор бўлдим. Орадан икки йил ўтгач, ислом маданиятига оид манбаларни ўрганиш мақсадида ташкил этилган катта бир илмий лойиҳа иштирокчилари таркибида иш олиб бордим.

Шундан кейин «Бобурнома»ни аслиятда ўқиш учун компьютердан фойдаланишга ҳар томонлама чуқур киришдим.

Бу жуда муҳим ва мураккаб вазифа эди. Дастлаб Ҳайдарабод қўлёзмасини лотин ёзувида компьютерга ёза бошладим. 1989-90 йилларда Ҳиндистон, Истанбул, Париж, Лондон, Шотландия (Эдинбург)га қилган илмий сафарларим чоғида ҳам «Бобурнома» мавзуси менинг доимий диққат марказимда бўлди.

Асарнинг Эдинбург ва Лондон нусхаларидан микрофильмлар олишга эришдим. Айниқса, ўша пайтда Японияда компьютер технологиясининг жадал ривожланиши мен учун жуда ҳам қўл келди.

«Бобурнома» матнини яхлит ҳолда лотин ёзувидан араб алифбосига компьютер орқали кўчиришда Токио университетининг хорижий тилларни ўргатиш бўлимининг бошлиғи, йирик мутахассис, профессор Кайоко Хайашининг ёрдами катта бўлди. Аста-секин мендаги барча мавжуд қўлёзмалар асосида араб ёзувидаги матнларни компьютер ёрдамида қиёслаб ўргана бошладим. Бу иш менга жиддий муваффақият олиб келди. Қарангки, «Бобурнома»нинг танқидий матнини лотин ёзувида эмас, араб алифбосида яратишдек бахтга муяссар бўлдим. Чунки, бутун дунёдаги шарқшунослар, бобуршунослар, тарихчи олимлар, оддий китобхонлар, хуллас, барча учун бу ғоят қулайлик туғдирар эди. Иш давомида мени моддий томондан Япония таълим вазирлиги қўллаб-қувватлаб турди.

Ниҳоят, 1995 йилда «Бобурнома»нинг янги танқидий матни дунёга келди ва уни кўрсаткичлар билан 1996 йили чоп этишга муваффақ бўлдим. Икки йилдан кейин эса бу ўлмас асарни япон халқи учун япон тилида нашр қилдирдим.

Ушбу мавзуда узоқ йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқот ва кузатишларим мени оригинал бир китоб ёзишга ундади. Шуннинг натижасида «Бобур ва унинг даври» деб номланган илмий-тарихий асарим вужудга келди ва алоҳида нашр сифатида 2001 йилда босилиб чиқди. Мен ҳозирги кунда нафақадаман, имкон доирасида талабаларга ёрдам беряпман.

Шуни айтишим керакки, «Бобурнома» ва муаллифининг жозибадор шахсияти мени ўзига тобора мафтун этмоқда.

Шу сабабли мен айни пайтда «Бобурнома»нинг танқидий матни устида ишларимни яна давом эттирмоқдаман. Ўз вақтида бу мавзуда ишлар эканман, мен Теҳрондаги Салтанат кутубхонасида сақланаётган Бобур қаламига мансуб қўлёзмалардан фойдалана олмаган эдим. Эндиликда ана шу манбаларни ҳам жиддий ўрганиб чиқаётирман. Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласи ҳамда унинг Бобур назм билан қилган туркий таржимасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганмоқдаман. Ва шу муносабат билан «Волидия»нинг танқидий матнини ҳам нашр қилишга тайёргарлик кўряпман. Шунингдек, Бобурнинг яна бир муҳим асари — «Мубаййин»нинг танқидий матнини ҳам охирига етказишни умид қиламан.

Келажакда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш бундан ҳам кенг тус олади, деб ишонаман.

# Зарпалак

*Ўрта Чирчиқ туманининг Охунбобоев ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи қўли гул чевар Комилахон Эргашева зардўзликни эъзозлаб келаётганлардан. Комилахоннинг зардўзликка ишқи тушганига анча бўлган. Ўшанда у ўзининг оддийгина тикаётган намуналаридан кўнгли тўлмай, Бухорои Шарифга бориб, зардўзлардан ҳунар ўрганиб қайтди. Зардўзликнинг ўзига хос сиру асрорлари билан танишди. Чойнакпўш, ёстиқчалар жилдлари тикиб, ўз ҳунаридан ўзи завқланган Комила бу миллий қадриятларимизнинг энг чиройли тимсоли бўлмиш зардўзликни қизларга ҳам ўргатиб, бу касб эгаларини кўпайтиришга ният қилди. Ахир ҳазрат Навоий бобомиз бежиз «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққаму кетгумдир охир», демаганлар-ку.*

Шундай қилиб, дастлаб 16 нафар чевар қиздан иборат дастлабки қалдирғочлар пайдо бўлди. Номланиши ҳам гўзал: «Моҳимбегим қизлари»... Улар тиккан зар чўпонлар, зарпалаклар тезда оммавийлашиб кетди. Бўш, ишсиз юрган қизлар «Моҳимбегим» таърифини эшитиб, ҳунар ўрганишга ошиқдилар. Натижада Комилахоннинг ҳам шогирдлари кўпая борди. Эндиликда туманда аввалига ўрганиш учун деб бошланган бу ҳаракат зардўзлик курсларининг очилишига асос бўлди. Агробизнес ўқув марказининг раҳбари Баҳринисо Султоналиева тумандаги «Меҳнат биржаси» билан ҳамкорликда зардўзлик курси ташкил қилиб, хайрли ишга камарбасталик қилди.

— Ҳозиргача 100 нафардан зиёд қизлар зардўзликнинг сиру асрорларини ўрганиб олдилар, — дейди Баҳринисо опа. — Айниқса туманнинг «Роватак», «Гулистон», Ким Пен Хва, «Ҳақиқат йўли» ширкат хўжаликларида ташкил қилинган курсларимизда сабоқ олган қизлар ҳозирда миллий касаначилик билан шуғулланмоқдалар. Улар тикаётган бежиримгина ёстиқ жилдлари, чойнакпўшлар, елпиғич ва жойнамозлар, зарпалак ва зар тўнлар кўзни қамаштиради.

Ҳа, Комилахоннинг шогирдлари Муҳаббатхон Рустамова, Нодирахон Хидиралиевалар бугунги кунда момоларимиз авайлаб, асраб келаётган меросни кўз-кўз қилмоқдалар. Нодирахон туманнинг «Янги тўлқин» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи қиз-жувонларга Андижон усулида зар кашталар тикишни ўргатмоқда.

— Маликанинг тиккан кашталарида Наврўз иси уфуриб туради, Нилуфарнинг шокилали зар дўпписи эса келинчакларга шундай ярашадики. Гулбаҳорнинг зарпалагини айтмайсизми, қалдирғочлари қанот қоқиб, чучмомолари очилай деб турибди. Ҳафиза, Шаҳноза, Азиза, Гулнораойлар ўз исмлари каби гўзал намуналар тикмоқдалар, — дейди Нодирахон шогирдлари ҳақида тўлқинланиб сўзларкан.

Кашталар ҳақиқатан кўзингизни қамаштиради. Гўёки уларда юртим баҳори мужассамлангандек. Ҳадемай «Моҳимбегим қизлари» Наврўзи оламга ўз туҳфалари билан пешвоз чиқадилар, зарпалаклар эса тўйли, шодиёнали кунларда сулув келинчаклар уйини безайди, безайверади...

**Анора КАРИМОВА,**
**Ўрта Чирчиқ тумани.**


## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЕНГ ЁЙИЛГАН D·AMPS ТАРМОҒИ

НАРХЛАРНИ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШТИРИШ!
33% ГАЧА

ПРЕСТИЖ РЕЖАСИ ~~$125.00~~ 99.00
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ

VMS (ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

D·AMPS ТАРМОҒИДА ЯНГИ ТАРИФЛАР
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),

| | Тўловнинг энг кам миқдори ойига* | Кириш алоқаси баҳоси: «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (DAMPS/AMPS) | Кириш алоқаси баҳоси: Тиғизмас пайтда** | Кириш алоқаси баҳоси: Тиғиз пайтда | Чиқиш алоқаси баҳоси: Тиғизмас пайтда** | Чиқиш алоқаси баҳоси: Тиғиз пайтда | Чиқиш алоқаси баҳоси: DAMPS/AMPS Бир абонентга тегишли бўлган «Уздунробита» уяли телефонига |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Минимал | 9.00 | Бепул | 0.05 | 0.08 | 0,08 ~~0,12~~ | 0,12 ~~0,16~~ | Чиқиш қўнғироғи қийматидан 50% |
| Тежамли | 20.00 | Бепул | 0.05 | 0.08 | 0,07 ~~0,10~~ | 0,11 ~~0,14~~ | |
| Бизнес | 35.00 | Бепул | 0.05 | 0.08 | 0,06 ~~0,09~~ | 0,10 ~~0,12~~ | |
| | Абонент тўлови | | | | | | |
| Zero | 1,30 | | 0,07 | 0,10 ~~0,13~~ | 0,12 | 0,17 ~~0,19~~ | Чиқиш қўнғироғи қийматидан 50% |
| Ишбилармон | 40,00 | Бепул | | | 0,10 ~~0,15~~ | 0,15 ~~0,21~~ | |
| Престиж | 99.00 ~~125.00~~ | Бепул | | | | | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича D·AMPS русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари D·AMPS тармоғи доирасида кучга эга
* Энг кам ойлик тўлови учун энг кам тўлов қийматига тенг бўлган эфир вақти миқдори белгиланади
** Тиғизмас пайт — соат 23.00дан 07.00гача, тиғиз пайт — соат 07.00дан 23.00 гача

Ҳамма режалар учун, "Zero" ва "Пресстиж" режаларидан ташқари қўшимча ойлик "ПЛЮС" хизмати.
Хизмати нархи ойига - $16

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ

UZDUNROBITA first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.
Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz

ЎзАСИ АА №0000104

Ўзбекистон – АҚШ стратегик ҳамкорлигининг бир йиллиги олдидан

# МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ ҚИРРАЛАРИ

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг келиб чиқиш тарихига, унинг ривожланиш динамикасига, келтириб чиқарган шароит ва омилларга эътибор берадиган бўлсак, унинг доимий равишда ривожланиб келганлигини кузатишимиз мумкин. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд ҳамкорлик жараёнлари қандай кечди? Дастлабки жараён мустақилликка эришгунимизгача ва мустақилликнинг дастлабки уч йиллигига тўғри келади. *АҚШ 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди. 1992 йил 19 февралда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.*

Дастлабки пайтларда АҚШнинг Ўзбекистонга муносабати ижобий бўлса-да, узоқ йиллар давомида шаклланган қарашлар асосида иш олиб борилди. Яъни, Ўзбекистоннинг ўзи танлаган йўлини, унинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслик Марказий Осиё минтақасида шаклланган ўзига хос менталитетни – демократик жамият қуришнинг босқичма-босқич йўлини тан олмаслик маълум даражада ўз таъсирини ўтказди. Шу билан бирга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти чуқур ўрганилиб борилди. Натижада юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга қизиқиш ортди.

1993 йилдан эътиборан икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг иккинчи босқичи бошланди. Жаҳоннинг етакчи давлати ҳисобланган АҚШ билан ҳамкорлик 90-йилларнинг ўрталарига келиб кўп томонлама ва ўзаро фойдали аҳамият касб этди.

Бунга, энг аввало, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил ёзида АҚШга қилган муҳим сафари кенг имконият яратди. АҚШ пойтахтида бўлиб ўтган, иқтисодий ҳамкорликдан тортиб хавфсизликкача бўлган ва турли соҳаларни қамраб олган музокаралар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлганлигини қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг кейинги учрашувлари, шунингдек, Америка парламенти юқори мартабали вакилларининг ташрифлари буни яна бир карра тасдиқлади.

Айнан америкалик конгрессменлар кейинчалик Марказий Осиё давлатларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган «Ипак йўли стратегияси» ташаббуси билан чиқдилар.

Ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг иккинчи босқичи 2001 йил 11 сентябрь воқеаларига қадар давом этди. Бу даврда муносабатлар доираси кенгайди. Ўзбекистонга АҚШ сармояси кириб кела бошлади. Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи амалга оширилди. Ташриф муносабатларнинг янги – учинчи босқичини бошлаб берди. Мазкур босқич муносабатларнинг сиёсий ривожланишига асос солди. Амалда савдо-сотиқ, илмий-техникавий ҳамкорлик тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

Бу даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилик қайта шаклланиб мустаҳкамланди. Иқтисодий соҳада ўсишга эришилди. Ижтимоий-маданий соҳада барқарорлик ва тотувлик таъминланди. Мустақил ташқи сиёсат натижасида эса Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол субъектига айлана борди. Халқаро терроризмга, наркобизнесга қарши курашда, минтақада хавфсизликни, барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борган сиёсати натижасида жаҳонда обрў-эътибор топди. Ўзбекистонга минтақада хавфсизликни таъминлашда, терроризмга қарши курашда етакчи куч сифатида қарала бошлади. Натижада АҚШ томондан Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хослиги тан олиниб, бу йўналишда



ҳам ҳамкорлик ривож топди. Марказий Осиё атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, айниқса қўшни Афғонистондаги воқеалар минтақада хавфсизликни таъминлашнинг янги моделларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди. Бу йўналишда Ўзбекистонда катта тажриба тўпланган эди. Ушбу тажриба мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарилишига замин бўлди.

Муносабатларнинг янги босқичида қуйидаги манфаатларнинг уйғунлашганлигини кузатамиз:

Аввало, АҚШ Ўзбекистонга Марказий Осиёда тинчликни, хавфсизликни таъминлашда, наркобизнес, терроризмга қарши курашда етакчи куч сифатида қарамоқда.

Айни вақтда, АҚШ халқи Ўзбекистон раҳбариятини ўзининг энг яхши дўсти сифатида эътироф этмоқда.

Шунингдек, АҚШ кенг жамоатчилиги, тадбиркорлари Ўзбекистоннинг келажаги, айниқса унинг иқтисодиётда эришаётган ютуқларини эътироф этишмоқда, унинг ривожланиши учун инвестициялар олиб кирмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистонни АҚШдаги юксак ривожланган иқтисодиёт, демократик қадриятлар, илмий-техникавий салоҳият қизиқтирмоқда. АҚШ инвестицияларининг Ўзбекистонга кенг миқёсда кириб келиши ислоҳотларни чуқурлаштиришга, олдимизга қўйилган мақсадларимизга тезроқ эришиш имконини берди.

2001 йил 11 сентябрь фожиаларидан сўнг Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашда Америка Қўшма Штатларини қўллаб-қувватлаш ҳақида қилган узил-кесил қарори икки томонлама муносабатларда янги бурилиш ясади. АҚШ Мудофаа вазири Д. Рамсфельд Ўзбекистонга қисқа вақт ичида икки марта келиб кетди, шунингдек, республикага давлат котиби К. Пауэлл, сенаторлар Т. Дэшл, К. Левин, Ж. Уорнер, Ж. Либерман, Ж. Маккейн, Ч. Хегель, конгрессменлар Ж. Колби, Э. Точер ва АҚШнинг бошқа юқори мартабали мансабдор шахслари ташриф буюрдилар.

Шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, икки томонлама алоқаларнинг жадал ва ҳар тарафлама ривожланиши Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Тошкент ва Вашингтон Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий тикланишига кўмаклашиш мақсадида фаол ҳамда фойдали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Шуни тан олиш керакки, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг бу самаралари, аввалambор, минтақамиздаги халқлар ва давлатларнинг манфаатларига жавоб беради.

АҚШ ҳукумати томонидан амалга оширилган дастурлар Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатимиз давлат чегарасини мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишида янги сифат кўрсаткичларига эришиш имконини берди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон билан АҚШ муносабатларининг самарали соҳаларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик ёшларнинг юзлаб вакиллари «Умид» жамғармаси ҳамда АҚШ ҳукуматининг дастурлари доирасида Американинг етакчи университетларида таҳсил олдилар.

Ниҳоят, шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, айнан АҚШнинг «Умид лойиҳаси», «Ҳарт ту Ҳарт Интернейшнл», «Контерпарт Интернейшнл», «Америкере» ва «Америка қизил Хочи» сингари ноҳукумат ташкилотлари республикамизнинг қатор минтақалари, энг аввало, Оролбўйи минтақасига 30 миллион доллардан ортиқ миқдорда беминнат моддий ёрдам юборди.

Шу ўринда сўзимизни мухтасар қилган ҳолда, қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида алоқаларнинг кенгайиши иккала давлатнинг умумий манфаатларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун мустаҳкам негиз яратди.

**Сайфиддин АҲМАД.**



## Ироқ бўйича сиёсати учун

**АҚШ қонуншунослари Ироқ бўйича тутган йўли учун Франция ва Германияга нисбатан санкциялар (хусусан савдо-сотиқ бўйича) киритиш масаласини кўриб чиқмоқда, деб ёзади «The Washington Post» газетаси.**

**Конгресснинг Вакиллар палатаси ҳарбий қўмитаси аъзоси Жеймс Сэкстон шу ҳафтада ўз резолюциясини тақдим этмоқчи. Унга кўра, барча америкалик компаниялар ва давлат тузилмалари Ле Буржеда бўлиб ўтадиган авиашоуда иштирок этишдан бош тортиши керак. Сэкстон шу орқали Жак Ширак ҳукуматининг Ироқ бўйича позицияси учун Францияни жазолашни таклиф этмоқда, деб қайд этилади «Financtal Times» газетасидаги мақолада.**

# Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Разведка маълумотига кўра...

**АҚШ разведкаси КХДРда Америкагача учиб бора оладиган минтақалараро баллистик ракета яратилган, деб ҳисобламоқда. Марказий разведка бошқармаси (МРБ) директори Жорж Тенет ва Пентагон разведка бошқармаси бошлиғи, вице-адмирал Лоуэлл Жекоби Сенатнинг қуролли кучлар ишлари бўйича қўмитасининг йиғилишида ана шу ҳақда маълум қилди.**

**«ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълум қилишича, Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшер АҚШ КХДРнинг ядровий муаммоларини дипломатик йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилишини тасдиқлаган.**

## Натижасиз йиғилиш

**НАТО кенгашининг чоршанба куни кечқурун чақирилган фавқулодда йиғилиши натижасиз тугади. Бельгия, Франция ва Германиянинг Шимолий альянсдаги элчилари агар Ироқда уруш бошлангудек бўлса Туркияга ҳарбий ёрдам беришни маъқуллашдан бош тортишди. Уларнинг фикрича, халқаро инспекторларнинг БМТ ХКга иккинчи маърузасини тақдим этишини кутиш керак, деб хабар беради «ИТАР-ТАСС» агентлиги.**



## Дастур давом эттирилади



**НАСА фазога сафар қилиш дастурларини давом эттиради. Лекин у қачон бошланиши ҳозирча аниқ эмас. НАСА директори Шон О'Киф «Колумбия» шатллининг ҳалокати муносабати билан конгрессда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда маълум қилган.**

**«News.ру»нинг маълумотига қараганда, О'Киф агарда НАСА учишларни қайта бошлаш ҳақида қарор қабул қилса, шатлларнинг сафар жадвалига ўзгартиришлар киритилишини ҳам билдирган.**

*Албания Республикаси Жанубий Европада, Болқон ярим оролининг ғарбида жойлашган давлат. Римликлар, славянлар ва турклар томонидан бир неча бор босиб олинишига қарамасдан, албанлар ўз этник хусусиятини сақлаб қолган. Ислом дини мамлакатда асосий дин ҳисобланади.*



Харита

*Албания Биринчи жаҳон урушига қадар ўз мустақиллигини қўлга киритган эди. Дастлаб у республика, кейинроқ монархия деб эълон қилинди. 1944 йил ноябрдан то 1991 йил июнгача собиқ СССР бошчилигидаги социалистик блок таркибида бўлиб, коммунистлар томонидан бошқарилган. Бугунги кунда Албания Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.*

# АЛБАНИЯ

Майдони 28 минг кв.км. Пойтахти – Тирана шаҳри. Ғарбий соҳилини Адриатика денгизи ювиб туради. Милоддан аввалги II асрда Албания ҳудудида яшаган қабилаларга греклар «албанлар» деб ном берган эдилар. Мамлакат номи ҳам шундан келиб чиққан. Албания аҳолиси эса ўрта асрларда ўзини «Шкиптер» (бургут)лар деб атаган. Бу ном ҳозиргача сақланиб қолган.

Албания, баъзи ботқоқлик ва текисликларни ҳисобга олмаганда, тоғли мамлакат. Ғарбий соҳил ботқоқликларга тўла бўлганлиги сабабли, қулай табиий кўрфазлар деярли йўқ. Дуррес порти ҳам сув камроқ бўлган очиқ бухтага қурилган. Мамлакат шимолида Шимолий Албек Альплари жойлашган. Бу тоғлар мамлакатнинг энг нотекис ва ўтиб бўлмас ҳудуди бўлиб, Албанияда уларни «қарғиш теккан тоғлар» деб аташади. Албаниянинг энг баланд нуқтаси Корабит чўққиси (2764 м.) ҳам шу тоғ тизмасидадир. Бу тизмаларнинг нисбатан текисроқ жойларида қишлоқ хўжалиги ривожланган, айрим ҳудудларда эса Корча, Пешкопия, Берат каби шаҳарлар қад ростлаган.

Иқлими барча Ўрта ер денгизи атрофида жойлашган мамлакатлар сингари узоққа чўзилувчи, қуруқ ёз ва юмшоқ, намли қиш билан тавсифланади.

Аҳолиси 3 миллион 410 минг киши. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб кескин кўтарилган аҳолининг табиий ўсиш суръати 2,2 фоизни ташкил этади. Бу – Европадаги энг юқори кўрсаткичдир. Аҳолиси ҳинд-европа оиласига кирувчи албан тилида сўзлашади ва лотин ёзувидан фойдаланади.

1946 йил 11 январда мамлакат Албания Халқ Республикаси деб эълон қилинди. 1991 йил апрелда эса янги Конституция лойиҳаси эълон қилингач, мамлакат демократик ўзгаришларга юз тутди. Албанияда 20 дан ортиқ сиёсий партия рўйхатга олинган бўлсада, улардан иккитаси муайян маънода устуворликка эга. Булар – Албания Социалистик партияси ва Албания Демократик партияси. Конституцияга кўра, Президент мамлакат раҳбари, Бош вазир эса ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Албания Халқ Йиғилиши Қонун чиқарувчи ҳокимият – 155 аъзодан иборат.

Албания 37 та округдан ташкил топган. Ундан кичикроқ маъмурий бирликлар — коммуна ва қишлоқлардир.

Ташқи сиёсатда Албания Шўролар Иттифоқи қулагунга қадар Европадаги энг ёпиқ давлат бўлган. 1990-1991 йилларда Албания барча йирик давлатлар, шунингдек, Болқон минтақасидаги ўз қўшнилари билан ҳам алоқаларни йўлга қўйишга интилди. Бироқ 1998 йилдаги Косовода юз берган воқеалардан сўнг минглаб албан қочоқлари мамлакат жанубига – камсонли греклар яшайдиган ҳудудларга келиб ўрнаша бошлади. Бу эса қўшни давлатлар билан муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда Албания АҚШ, Европа Иттифоқи билан дўстона дипломатик алоқалар ўрнатди ва натижада мамлакатга АҚШ 200 млн., ЕИ эса 650 млн. доллардан ортиқ моддий ёрдам берди.

Албанияда нефть, табиий газ, кўмир, хром ва мис рудалари конлари топилган. Мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда 1 миллион гектардан ортиқ ерга экин экилади. Асосий экинлар маккажўхори ва буғдой ҳисобланади.

Мамлакатнинг пул бирлиги – лек. Банк тизими 1996 йилда бутунлай қайтадан шакллантирилган. Улар орасида италиялик инвесторлар шакллантирган банклар юқори ўрин тутади.

Албания таълим тизими 11 йиллик мажбурий таълимга асосланади. Умумий ўрта маълумот гимназиялар, шунингдек, коллежлар ва тижорат билим юртларида берилади.

**Ботиржон ҒОФУРОВ.**

## Суд қарорига норозилик

**Исроил ҳукумати Бельгиядан ўз элчисини чақириб олишга қарор**



**қилди. Бунга Бельгия Олий апелляцион судининг Шарон геноцидда айбланиб суд қилиниши мумкин деган қарори сабаб бўлди.**

**Шунингдек, Исроил ташқи ишлар вазири Биньямин Нетаньяху мамлакатдаги Бельгия элчисини чақириб расмий норозилик билдиришини ҳам маълум қилган, деб хабар беради «News.ру».**

## Санкциялар узайтирилди

**Европа Иттифоқи Зимбабвега қарши дипломатик санкцияларни яна бир йилга узайтирди. Лекин бу сафар ушбу Африка давлати президентига эндиги ҳафтада Парижда бўлиб ўтадиган Франция-Африка саммитида қатнашишга рухсат берган.**

**EN қарорида визаларни тақиқлаш ва бошқа санкциялар қайд этилган. Зимбабвега ушбу санкциялар ўтган йили Мугабе ҳукуматининг мамлакатда кўп марталаб инсон ҳуқуқлари поймол қилинганлиги ва давлатни сиёсий ҳамда иқтисодий инқирозга олиб келган сиёсат олиб борганлиги учун киритилган эди, деб хабар беради «Си-эн-эн».**

## Ер остида уч ҳафта

**Россиянинг Тверь шаҳри қутқарувчилари канализация қудуғидан бир аёлни чиқариб олишди. Аниқланишича, у иссиқлик тармоғи ходимлари қудуқ қопқоғини пайвандлаши оқибатида ер остида уч ҳафта қолиб кетган. Бечора аёлни тармоқ ходимлари навбатдаги текширув олиб бораётганида топишган. Маълум бўлишича, унда оз-**



**гина озиқ-овқат бўлганлиги сабабли тирик қолган, деб хабар беради «News.ру».**

## Мамлакатдан чиқариб юборилди

**Филиппин ҳукумати мамлакат пойтахти Манила шаҳрида жойлашган Ироқ элчихонасининг ходимини 48 соат ичида давлатдан чиқариб юборилишини (персона нон-грата) эълон қилди. Ходим «Абу-Сайяф» экстремистик ҳаракати билан алоқадорликда айбланмоқда.**

TOSHKENT DAVLAT YURIDIK INSTITUT QOSHIDAGI

INSON HUQUQLARI BO'YICHA YURIDIK KLINIKA

HRC
Human Rights Clinic
Tashkent State Law Institute



quyidagi huquqlarning buzilishi bo'yicha 2003 yil 12 fevraldan boshlab yuridik maslaxat boshlanishini e'lon qiladi:

- fuqarolarning saylov huquqlarining buzilishi;
- mehnat huquqlarining buzilishi;
- passport tartibining buzilishi;
- fuqarolarni ro'yxatdan o'tkazish va fuqarolik berishni noqonuniy ravishda rad etish;
- chet elga chiqish uchun viza (ruxsat) berishni noqonuniy ravishda rad etish;
- uy-joy huquqining buzilishi;
- bola huquqlarining buzilishi.

Shuningdek Yuridik Klinika oiladagi zo'ravonlikdan jabrlangan ayollar va jinoyat jarayoniga jalb etilgan shaxslarga maslaxat beradi

Fuqarolarning dastlabki qabul dushanba-juma kunlari soat 9.00dan 13.00gacha va soat 14.00dan 17.30gacha amalga oshiriladi.

Kengroq ma'lumot uchun yuridik klinikaning 133-03-56 telefon orqali murojaat qiling.

6817/242

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича Республика бошқармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

манзил рўйхатига киритилган Андижон жамоа хўжаликлараро кенгаши иншоотларига қурилиш материаллари ва жиҳозлари сотиб олиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

| Т/р | Номланиши | Бирлиги | Сони |
|---|---|---|---|
| 1. | Темир қувур Д=1220 мм | п/м | 1300 |
| 2. | Темир қувур Д=325 мм | п/м | 1600 |
| 3. | Темир қувур Д=426 мм | п/м | 100 |
| 4. | Насос Д=630/90 двигатель 250/1500 | дона | 3 |
| 5. | Насос Д=1250/65 двигатель 315/1500 | дона | 7 |
| 6. | Трансформатор подстанцияси КТП 630/10 | дона | 2 |

Буюртмачи: Андижон жамоа хўжаликлараро кенгаши.

Манзили: Андижон ш., А.Фитрат к., 214-уй.

Телефон: 25-50-60.

Етказиб бериш муддати — 2003 йил I чорак.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 24-72-79.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

